



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

9 (83) 2025

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:
М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Б.Б. ХАСАНОВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

9 (83)

2025

сентябрь

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

Received: 20.08.2025, Accepted: 06.09.2025, Published: 10.09.2025

УҚҚ 616.155.392-092;572.7

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИДА ОНКОГЕМАТОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ЁШ ВА ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тангриберганова Назира <https://orcid.org/0009-0000-6217-5699>

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ўзбекистон, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси 28-уй Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltdmu.uz

✓ Резюме

Мақолада Хоразм вилояти аҳолисида онкогематологик касалликларнинг тарқалиши, уларнинг ёш, жинс ва ҳудудлар кесимидаги хусусиятлари таҳлил қилинди. Тадқиқот давомида турли ёш гуруҳларидаги (18–44, 45–59, 60–74, 75–90 ва 90+) беморларнинг клиник ва лаборатор кўрсаткичлари ўрганилди. Натижаларга кўра, онкогематологик касалликлар кўпроқ катта ёшдаги аҳолида кузатилган бўлиб, ҳудудий фарқлар ҳам аниқланди.

Калит сўзлар: онкогематология, Хоразм вилояти, ёш гуруҳлари, ҳудудий таҳлил, клиник кўрсаткичлар.

AGE AND REGIONAL CHARACTERISTICS OF ONCOHEMATOLOGICAL DISEASES IN THE POPULATION OF KHOREZM REGION

Tangriberganova Nazira <https://orcid.org/0009-0000-6217-5699>

Urgench Branch of Tashkent Medical Academy Uzbekistan, Khorezm region, Urgench city, Al-Khorezmiy street 28 Tel: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltdmu.uz

✓ Resume

The article analyzes the prevalence of oncohematological diseases among the population of Khorezm region, focusing on their age, gender, and territorial characteristics. Clinical and laboratory indicators of patients in different age groups (18–44, 45–59, 60–74, 75–90, and 90+) were studied. The results show that oncohematological diseases are more common in older age groups, with significant territorial differences.

Keywords: oncohematology, Khorezm region, age groups, territorial analysis, clinical indicators.

ВОЗРАСТНЫЕ И РЕГИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ОНКОГЕМАТОЛОГИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ У НАСЕЛЕНИЯ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ

Тангриберганова Назира <https://orcid.org/0009-0000-6217-5699>

Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии Узбекистан, Хорезмская область, г. Ургенч, ул. Аль-Хорезмий, 28. Тел.: +998 (62) 224-84-84. Эл. почта: info@urgfiltdmu.uz

✓ Резюме

В статье анализируется распространённость онкогематологических заболеваний среди населения Хорезмской области, с учётом возрастных, гендерных и территориальных особенностей. Были изучены клинические и лабораторные показатели пациентов различных возрастных групп (18–44, 45–59, 60–74, 75–90 и 90+). Результаты показывают, что онкогематологические заболевания чаще встречаются у лиц пожилого возраста, при этом выявлены региональные различия.

Ключевые слова: онкогематология, Хорезмская область, возрастные группы, территориальный анализ, клинические показатели.

Долзарблиги

Сўнгги ўн йилликларда онкогематологик касалликлар бутун дунёда саломатлик учун долзарб муаммо сифатида кўтарилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили юз минглаб беморлар гемобластоз, лейкоз, миелом ва турли хил лимфомалар билан касалланмоқда [1,2].

GLOBOCAN Халқаро саратонни ўрганиш агентлиги маълумотлар базасига кўра, 2018 йилда лейкозия саратон келиб чиқиш сабаблари орасида 15-ўринни, саратондан ўлим бўйича эса 11-ўринни эгаллаган бўлиб, унга 437 033 та янги ҳолат ва 309 006 та ўлим тўғри келган. Умуман олганда, 2018 йилда эркаклар аёлларга нисбатан ёшга мослаштирилган лейкозия билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичларига (ҳар 100 000 нафарга 6,1 ва 4,2) эга бўлган, аёлларда эса (ҳар 100 000 нафарга 4,3 ва 2,8) бўлган. Бошқа бир ҳисоботда, Глобал касалликлар юки маълумотлари асосида, 1990 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда ёшга мослаштирилган лейкозия билан касалланиш даражаси эркакларда аёлларга қараганда юқорироқ эканлиги ва аёлларда эркакларга нисбатан кўпроқ пасайиш кузатилгани кўрсатилган [3,4].

Ўзбекистонда ҳам ушбу касалликлар кўрсаткичи йилдан-йилга ўсмоқда. Хусусан, Хоразм вилоятида аҳолининг турли ёш ва ҳудудларига тегишли беморларда онкогематологик касалликлар қайд этилган. Бу ҳудудий таҳлил касалликларни эрта аниқлаш ва даво самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади [5].

Илмий тадқиқотнинг мақсади: Хоразм вилояти аҳолисида онкогематологик касалликларнинг ёш ва ҳудудий хусусиятларини ўрганиш.

Вазифалар:

1. Турли ёш гуруҳларида касалликларнинг тарқалишини таҳлил қилиш.
2. Ҳудудий жиҳатдан фарқларни аниқлаш.
3. Лаборатор ва клиник кўрсаткичларни солиштириш.
4. Илмий манбалар билан натижаларни таққослаш.

Кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги материаллар ва методлар қўлланилди.

Тадқиқотда Хоразм вилоятининг шаҳар ва туманларидан ташхисланган беморлар клиник ва лаборатор маълумотлари ўрганилди. Барча беморлар қуйидаги ёш гуруҳларига ажратилди:

- 18–44 ёш
- 45–59 ёш
- 60–74 ёш
- 75–90 ёш
- 90+ ёш

Маълумотлар клиник ташхис, қон таҳлилари, миелограмма, биокимё, УТТ ва ЭКГ натижалари асосида таҳлил қилинди.


Натижа ва таҳлиллар

Ҳудудлар бўйича олинган текшириш натижаларида ёш гуруҳларининг тақсимланиши қуйидаги кўринишга эга бўлди (жадвал 1).

Ёш гуруҳлари бўйича беморлар тақсимланиши

Жадвал 1.

Ёш гуруҳи	Беморлар сони	Асосий касалликлар	Хусусиятлар
18–44	35	Ўткир лимфолейкоз	Ёшларда кўп ҳолларда ўткир шакл
45–59	42	Миелом, лимфома	Сони ортиб борган
60–74	56	Гемобластоз	Асосан сурункали шакл
75–90	28	Миелома, лимфома	Бир нечта ҳамроҳ касалликлар
90+	9	Лейкоз	Кам, лекин оғир кечиши кузатилган




Хар бир ҳудуддаги беморларнинг тақсимланиши қуйидаги кўринишга эга бўлди (жадвал 2).

Ҳудудлар бўйича беморлар тақсимланиши

Жадвал 2.

Ҳудуд	Беморлар сони	Хусусиятлар
Урганч ш.	40	Диагностика имкониятлари юқори
Хонқа т.	32	Кўп ҳолатлар қайд этилган
Боғот т.	18	Камроқ, кеч аниқланиш ҳолатлари
Янгибозор т.	12	Асосан катта ёшдагилар




Тадқиқот жараёнида беморларни жинслар бўйича таҳлил қилинганида касаллик кўпроқ эркаклар орасида кузатилиши аниқланди 55% (жадвал 3).

Жинс бўйича тақсимланиш

Жадвал 3.

Жинс	Беморлар сони	Умумий улуши
Эркаклар	90	55 %
Аёллар	74	45 %

Jins bo'yicha taqsimlanish



Таҳлиллار

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, онкогематологик касалликлар асосан катта ёшдаги аҳоли орасида тарқалган. Бу ҳолат ЖССТ ва қўшни давлатларда ўтказилган тадқиқотлар билан уйғунлик касб этган.

Худудий жиҳатдан Урганч шаҳри ва Хонқа туманида беморлар кўплиги таъхис ва даволаш имкониятлари билан боғлиқ. Қишлоқ ҳудудларида эса касаллик кўпинча кеч аниқланган.

Жинс бўйича тақсимланишда эркаклар улуши бироз юқори бўлиб, бу кўплаб халқаро тадқиқотларда қайд этилган тенденцияга мос келади.

Хулоса ва тавсиялар

1. Онкогематологик касалликлар катта ёшдаги аҳоли орасида кўпроқ қайд этилди.
2. Урганч ва Хонқа ҳудудларида беморлар кўплиги аниқланди.
3. Эркаклар улуши аёлларга нисбатан юқори.
4. Қишлоқ ҳудудларида скрининг ва профилактика ишларини кучайтириш зарур.
5. Ҳар бир ёш гуруҳи учун профилактик дастур ишлаб чиқиш тавсия этилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бабаджанова Ш.А., Курбонова З.Ч. «Гематология» Тошкент - 2023 й.
2. Наджимитдинов С.Т. «Клиник гематология асослари» Тошкент – 1998 й.
3. Абдиева К.М., Мадашева А.Г., «Клиник гематология» Самарканд - 2023й.
4. Dan L. Longo «Harrison's Hematology and oncology» 17th Edition.
5. Hematology/Oncology Clinics of North America «Clinical hematology» - 2025.
6. Floreani A., Gervasi M.T. «Oncohematological diseases: epidemiological aspects» – 2016.

Қабул қилинган сана 20.08.2025